

## КАСАЛХОНА ИЧИ ИНФЕКЦИЯЛАРИ ЧАҚИРУВЧИЛАРИНИ АНИҚЛАШ

**Тиббий профилактика факультети 2-курс талабаси**

**Носиров Абдулазиз Шавкатович**

**Илмий раҳбар: Нуршод Фарходович Муротов**

**Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти**

Касалхона ичи инфекцияси билан касалланишнинг тобора ривожланиб боришида, асосий уринни эгаллаб турган шартли-патоген кузгатувчини эрта аниқлаш долзарб муаммолардан бири булиб колмокда. Бу эса янгидан-янги бактериал инфекция гурухларини текшириш усулларини тадбик этишни талаб килади.

Тадқиқотлар натижаларига кура шартли-патоген кузгатувчини хар жихатдан мукамаллиги ва жуда куп турлари борлиги аниқланмокда.

Тезкорлик билан специфик этиологик жихатдан ташхис куйишда касалхона ичи инфекциясининг иммуногенезини чидамлилигини урганиш, уларнинг канчалик хавфлилигини аниқлашда мухим рол уйнайди.

Кузгатувчини эрта аниқланишини ижобий тарафи шундаки, у касалликнинг этиологиясини яъни келиб чикишини аниқлашга жуда катта ёрдам беради. Бу эса уз вақтида тугри йуналтирилган этиотроп терапия утказишга хамда ушбу касалликнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширишда бизга кулайликлар яратади.

Хозирги кунда бактериал антигенларни аниқлашга ёрдам берадиган замонавий иммунологик реакциялар кенг кулланилмокда: иммуноэлектрофорез (ВИЭФ), радиоиммун тахлил (РИТ), иммунофермент тахлил (ИФА), коагглютинация реакцияси (КОА), латексагглютинация (ЛА). ВИЭФ усули ёрдамида эрувчи бактериал антигеннинг аниқланиш даражаси 68-69%, КОА 46,5-86%, ЛА 90-90,6%, ИФА 93,3-100% ни ташкил килади. Ушбу усуллар патоген ва шартли патоген бактериялар билан боглик булган септик, диареяли ва бошка купгина касалликларнинг ташхисотларида кулланилиши тавсия килинади.

Охирги йиллардаги маълумотларга кура 89% боланинг монокультурасида сепсис кузгатувчиси стафилококк эканлиги аниқланган.

Кейинги адабиётларда специфик иммунитетнинг курсаткичи кон зардобидаги бактерияларнинг фаоллик курсаткичига мос эмас деган маълумотлар келтирилган. Бу хусусият кейинги касалликларни башорат

килишда катта ахамиятга эга. Аралаш инфекциялар ташхисотида иммунологик усулларнинг узига хос мухимлилиги курсатилган. Организмнинг биологик суюкликларида кук йирингли таёкча антигенини аниклашда ЛА реакциясининг кулайлиги аникланган. Кук йирингли таёкчага нисбатан булган иммунитетнинг тушунмовчиликларини купгина олимлар уз ишларида ёритиб берганлар. Изланишлар шуни курсатдики, РПГА усули бу кузгатувчига нисбатан тула конли махсус иммунитетнинг хосса ва хусусиятларини аниклаш мумкинлиги хакида маълумот беради.